

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020. PED.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙИТОВ ЛАЗИЗБЕК РУСТАМЖОН ЎҒЛИ

**БЎЛАЖАК ДЕФЕКТОЛОГЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.03 – Махсус педагогика

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
афтореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Хайитов Лазизбек Рустамжон ўғли

Бўлажак дефектологларнинг ижтимоий-педагогик компетенцияларини
ривожлантириш 5

Хайитов Лазизбек Рустамжон угли

Развитие социально-педагогических компетенций будущих
дефектологов..... 20

Khayitov Lazizbek Rustamdjon ugli

Development of social and pedagogical competencies of future
defectologists..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 41

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙИТОВ ЛАЗИЗБЕК РУСТАМЖОН ЎҒЛИ

**БЎЛАЖАК ДЕФЕКТОЛОГЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.03 – Махсус педагогика

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped1694 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хакимова Муҳаббат Файзиевна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Акрамова Хафиза Самадовна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: **Чирчиқ давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 25 XII соат 1000 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+998) 71-276-80-86; факс: (+998) 71-276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1455 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+998) 71-276-80-86; факс: (+998) 71-276-76-51.)

Диссертация автореферати 2021 йил " 13 " XII да тарқатилди.
(2021 йил " 13 " XII да 44 рақамли реестр баённомаси)


Л.Р.Муминова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исенов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

З.Н.Мамаражабова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида бўлажак дефектологларнинг ижтимоий-педагогик компетенцияси ривожланишининг креатив технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. ЮНЕСКОнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси, “Ногиронлар ҳуқуқлари ҳақида”ги декларацияларида касбий таълим тизимида логопед ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, болалар нутқ бузилишларини бартараф этишни малакали қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг ижтимоий-реаблитациясини татбиқ этишга доир тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълими ва илмий-тадқиқот муассасаларида болалар ривожланиш хусусиятларини, ностандарт меҳнат амалларини оптималлаштириш, имконияти чекланган шахслар ва уларнинг оилаларига психологик, педагогик кўмаклашиш, ривожланишида бузилиши бўлган болалар ва ўсмирлар билан муносабатга ижтимоий қарашларни инсонпарварлаштириш, педагогик ҳимоя ва ижтимоий ҳимояга муҳтож, ижтимоий ҳимояланмаган болалар ва ўсмирлар билан ишлаш, ижтимоий йўналтирувчи коррекцион педагогик фаолият йўналишларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, бўлажак дефектолог (логопед)лар ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш стратегиясини белгилаш, логопедларни касбий тайёрлашда, такомиллаштиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш, бўлажак дефектолог (логопед)ларда ижтимоий-педагогик компетентлигини шакллантириш имкониятларини аниқлаш, ижтимоий-педагогик компетентлик моделларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда имконияти чекланган шахсларнинг муваффақиятли ижтимоийлашуви, шахсий ривожланишини, бакалавр логопедларни тайёрлашнинг меъёрий асослари яратилди. Олий таълим муассасаларида моддий-техника базалари ривожлантирилди. “Аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш, ногирон ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифалари давлат томонидан қўллаб-қувватлаш”¹ни кучайтиришга алоҳида эътибор берилган. Ушбу ислохотларнинг бажарилиши натижасида ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг тўлақонли ҳаётга ижтимоий мослашуви, уларга тиббий-педагогик ёрдам кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 9

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармони.

январдаги ПФ-5618-сон «Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. М.Ю.Аюпова, Л.Р.Муминовалар томонидан нутқида нуқсони бўлган болаларнинг нутқий камчиликларини бартараф этиш, нутқий фаолият фаоллиги ва луғат бойлигини ошириш, З.Н.Мамаражабова Н.Мусаева, Д.А.Нуркелдиева, Л.Ш.Нурмухамедова, М.П.Хамидова, М.Ҳакимовалар томонидан заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантириш, ақли заиф болаларни она тилига ўргатиш, луғат бойлигини шакллантириш, мактабга нутқий тайёрлаш, касб-хунарга ўргатиш масалалари юзасидан ўрганилган. Миллий педагогикада дефектолог кадрлар тайёрлаш, сурдопедагог-ўқитувчи касбий компетентлигини ривожланиш муаммоларини тадқиқ этишнинг кенг тажрибалари тўпланган бўлиб, Н.Ш.Бекмурадов, Х.М.Гайнутдинов, Н.Х.Дадаходжаева, Д.Б.Якубжановалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ўз ифодасини топган.

МДҲ давлатлари олимлари А.Г.Асмолов, Е.В.Бондаревская, В.П.Горленко, О.С.Гребенюк, В.П.Гриханов, Е.А.Екжанова, О.И.Кукушкина, И.А.Колесникова, А.К.Маркова, Н.М.Назарова, А.А.Орлов, Т.С.Овчинникова, О.Г.Приходько, В.П.Симонов, И.Ф.Харламов, И.М.Яковлева, И.С.Якиманская бўлажак дефектолог (логопед)лар касбий компетентлигини шакллантириш жараёнини таҳлил қилиш имконини берди.

Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликка доир компетентликни ривожлантиришнинг баъзи масалалари S.Boyko, H.Brown, H.Glane, C.Forlin каби тадқиқотчилар томонидан тадқиқ этилган

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1-61 Дефектология таълим йўналиши бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлаш жараёнига инновацион таълим моделларини татбиқ этиш лойиҳаси доирасида бажарилган (2013-2014й.).

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетенцияларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетенцияларини ривожлантиришнинг фалсафий, психологик-педагогик манбалардаги ҳолатини таҳлил этиш асосида «Бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлиги» тушунчасининг таркибий компонентларини такомиллаштириш;

бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш;

бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлиги ривожланганлигини баҳолашга имкон берувчи мезонлар, кўрсаткичлар ва даражаларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёни бўлиб, Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институтидан 316 нафар респондентлар иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг шакли, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш; социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат); педагогик тажриба-синов; натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлиги ижтимоий-педагогик билим, кўникма, малакалар мажмуини эгаллаш ва нутқ бузилишларига эга бўлган болалар билан ишлаш учун зарур бўлган фаолият тажрибасини шакллантириш, объектив ўз-ўзини баҳолаш ва рефлексияси ижтимоий тааллуқлилиқ қобилятини шакллантириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш модели амалиёт дастурларининг вариативлиги, динамиклиги, муаммоли вазиятларни моделлаштириш мустақил таълим фаолиятларини яхлитлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлиги таълим жараёни субъектларининг педагогик ва ижтимоий ўзаро муносабатларга тайёрликларининг назарий-методологик, дастурий-мақсадли, мазмунли-технологик, ва ташкилий педагогик жиҳатларини тизимлаштириш асосида аниқланган;

педагогик амалиётнинг бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини шакллантиришда талабаларни ижтимоий йўналтирилган квазикасбий коррекцион педагогик фаолиятга жалб этиш, ижтимоий педагогик

билимлар, кўникмаларни қўллашни рағбатлантириш, шахс сифатларини фаол аниқлаш, педагогик амалиёт раҳбарлари ва логопедларнинг ўзаро алоқалари стратегияси асосида касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини ошириши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертация тадқиқотининг материаллари ва хулосалари, унда таклиф этилган педагогик шароитлар бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини актуаллаштиришга йўналтирилган ОТМда логопедларни касбий тайёрлаш тизимига жорий этилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “бўлажак дефектолог ижтимоий-педагогик компетентлиги” тушунчасини аниқлаштириш асосида касбий таълим назарияси ва методикаси соҳасидаги илмий билимларни бойитиш, бўлажак дефектолог ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш омили сифатида имкониятларини ўрганиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак дефектолог ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш моделини лойиҳалашга имкон берувчи назарий асосларни, шунингдек уларни касбий-амалий тайёрлаш жараёнида бўлажак дефектолог ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш динамикасини аниқлаш имконини берувчи баҳолаш усулларини тўлдириш ва аниқлаштиришга хизмат этади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Бўлажак дефектологларнинг ижтимоий-педагогик компетенцияларини ривожлантиришга оид олинган илмий натижалари асосида:

бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлиги ижтимоий-педагогик билим, кўникма, малакалар мажмуини эгаллаш ва нутқ бузилишларига эга бўлган болалар билан ишлаш учун зарур бўлган фаолият тажрибасини шакллантириш, объектив ўз-ўзи баҳолаши ва рефлексияси ижтимоий тааллуқлилиқ қобилиятини шакллантириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Табиатшунослик ва география ўқитиш махсус методикаси” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғи билан берилган 237-189-сон гувоҳнома) (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети 2021 йил 15 сентябрдаги 02-07-2393/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетенцияларини

ривожлантиришнинг фалсафий, психологик-педагогик манбалардаги ҳолатини таҳлил этиш самарадорлиги ортган;

бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш модели амалиёт дастурларининг вариативлиги, динамиклиги, муаммоли вазиятларни моделлаштириш, мустақил таълим фаолиятларини яхлитлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети 2021 йил 15 сентябрдаги 02-07-2393/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш имкониятлари оширилган;

бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлиги таълим жараёни субъектларининг педагогик ва ижтимоий ўзаро муносабатларга тайёрликларининг назарий-методологик, дастурий-мақсадли, мазмунли-технологик ва ташкилий педагогик жиҳатларини тизимлаштириш асосида аниқлашга оид таклифлар асосида “Табиатшунослик ва география ўқитиш махсус методикаси” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғи билан берилган 237-189-сон гувоҳнома) (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети 2021 йил 15 сентябрдаги 02-07-2393/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга эришилган;

педагогик амалиётнинг бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини шакллантиришда талабаларни ижтимоий йўналтирилган квазикасбий коррекцион педагогик фаолиятга жалб этиш, ижтимоий педагогик билимлар, кўникмаларни қўллашни рағбатлантириш, шахс сифатларини фаол аниқлаш, педагогик амалиёт раҳбарлари ва логопедларнинг ўзаро алоқалари стратегияси асосида касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини оширишига оид таклифлар асосида “Табиатшунослик ва география ўқитиш махсус методикаси” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғи билан берилган 237-189-сон гувоҳнома) (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети 2021 йил 15 сентябрдаги 02-07-2393/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлиги ривожланганлигини баҳолашга имкон берувчи мезонлар, кўрсаткичлар ва даражаларини такомиллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика, 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 138 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **«Бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлиги тузилмаси компонентлари тавсифи, бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш имкониятлари таҳлиллари баён қилинган. Бўлажак дефектолог ижтимоий-педагогик компетентлигининг компонентлари, логопеднинг ижтимоий йўналтирилган фаолиятига мотивация, унинг ижтимоий йўналтирилган фаолиятини актуаллаштириш мазмуни, мақсади ва эҳтиёжлари масалалари ёритилган.

Ижтимоий йўналтирилган коррекцион-педагогик фаолиятни эгаллаш даражаси ижтимоий-педагогик компетентликни белгилайди, логопеднинг касбий билимлари бутун тизимини интеграциялайди ва унинг умуман касбий компетентлигида аҳамиятли ўрин эгаллайди.

Ихтиёрий илмий назариянинг асоси – унинг тушунчавий ташкил этувчиси ҳисобланади. Бўлажак дефектолог ижтимоий-педагогик компетентлигининг моҳиятини аниқлаш учун «компетентлик» ва «логопед касбий компетентлиги» каби асосий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тушунчаларнинг мазмунини таҳлил қилиши лозим.

Муаллифлик ишларининг таҳлили, барча муаллифларда «логопед касбий компетентлиги» тушунчасининг талқинида умумийлик мавжуд. Бу ўз касбий фаолиятини сифатли амалга оширишга ички мотивациянинг ва ўз ишига қадрият сифатидаги муносабатнинг мавжудлигидир. Яъни муаллифлар кўрсатганларидек, шунчаки тўплам эмас, балки турли даражалар ва зарур

тавсифлардан ташкил топган умумийлик, кенгайтирилган тизим, муайян модулдир.

Логопед касбий компетентлиги коррекцион фаолиятни самарали олиб боришни таъминлайди ва логопед фаолиятининг кўп функционаллигини кўрсатади. Тадқиқ этилаётган тушунчага илмий ёндашувларнинг таҳлили логопед касбий компетентлиги назарий билимлар ва амалий кўникмалар, шахс сифатлари ва ижтимоий тажриба асосида шакллантирилган мураккаб ҳосила, нутқ бузилишларини тўғрилашга ва бундай бузилишларга эга болаларнинг ижтимоий имкониятларини оширишга йўналтирилган турли касбий вазифалар – диагностик, методик, психологик, коррекцион, ижтимоий ва бошқаларни ҳал этишнинг муайян қобилияти эканлигини кўрсатади.

Ижтимоий ўзаро алоқаларнинг муҳим махсус усуллари: мослашувчанлик ва ҳамдардликка қобилиятнинг мавжудлиги. Касбий муҳим шахс сифатлари доим ижтимоий аҳамиятли ҳисобланади, бундан ташқари, бу сифатлар ҳар бир логопед учун аҳамиятлидир. Бўлажак дефектолог шахсининг аҳамиятли сифатлари унинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг асосий шарти хусусиятига эга бўлиши келиб чиқади.

Ижтимоий-педагогик компетентликни шакллантиришнинг педагогик шароитларини белгилашда қўллаш мумкин бўлган қоидалар амалий фаолиятини ташкил этиш орқали шахс ривожланишини таъминлаш, ижтимоий-педагогик компетентликни шакллантириш жараёнини бошқаришга мувофиқлаштирувчи хусусиятни таъминлаш, касбий фаолият тўғрисида бўлажак дефектологнинг шахсий тасаввурини шакллантириш.

«Ижтимоий-педагогик компетентлик» тушунчасининг мураккаб, интегратив хусусиятини инобатга олиб, шунингдек, таҳлиллар натижасига таяниб, бўлажак дефектолог ижтимоий-педагогик компетентлиги структурасини ижтимоий-шахсий, когнитив, касбий-фаолиятли ва аналитик-рефлексив каби тўрт компонентларнинг ўзаро алоқадорлиги сифатида белгиланди:

ижтимоий-шахсий компонент. Нутқ бузилишларига эга тарбияланувчи шахсини қадрият сифатида тан олиш логопед ижтимоий йўналтирилган фаолиятига мотивацияни талаб этади. Мазкур компонент логопед ижтимоий йўналтирилган фаолиятини актуаллаштириш мазмуни, мотивлари, мақсади ва эҳтиёжларини ўз ичига олади. Компонент очиклик ва коммуникабеллик, масъулиятлилик, ташаббускорлик, ўзига ишонч, ижодий тасаввурнинг, мослашувчан ижтимоий фикрлаш ва хулқнинг, кутилмаган ҳаётий шароитларда психологик барқарорликнинг, психологик ҳолати, ижтимоий мавқеи нуқтаи-назардан ноқобил, муаммоли болалар билан, шунингдек, тизимли нутқ бузилишларига эга болалар билан ишлашда мақсадга интилувчанликнинг мавжудлиги каби сифат ва хусусиятларнинг шаклланганлигини кўзда тутаяди.

Когнитив компонент. Когнитив компонент даражасида нутқ бузилишларига эга шахсларни билиш, тарбияланувчи шахси, унинг қадри ва

ижобий сифатларига йўналганлик шаклланади. Бундай йўналганлик бўлажак дефектологларнинг барча билишига оид жараёнлари фаоллигини оширади, логопат болалар хулқини таҳлил қилиш, бу хулқ мотивларини кўра олиш қобилияти, ўзини ўз фаолиятини болалар кўзи билан кўриш кўникмаси сифатида ифодаланувчи ижтимоий-педагогик тасаввур шаклланади. Мазкур компонент ижтимоий-педагогик билимларни ўз ичига киритади.

Касбий-фаолиятли компонент. Унинг асосини махсус билимлар тизимига асосланган ижтимоий-педагогик касбий кўникма ва малакалар ташкил этади, касбий-фаолиятли кўникмалар мажмуа ҳосил қилади ва бўлажак дефектологга қуйидагиларга имкон беради, билиш: ўз касбининг ижтимоий аҳамиятини асослаш, ижтимоий аҳамиятли муаммолар ва жараёнларни таҳлил қилиш, ижтимоий касбий вазифаларни ҳал этишда мутахассисларнинг ўзаро алоқаларини лойиҳалаш, тузиш ва тартибга солиш, таълим муҳити субъектларининг ҳамкорликдаги фаолияти ва шахслараро ўзаро алоқаларини ташкил этиш, касбий ахлоқ принципларига риоя этиб, касбий вазифаларни бажариш, ўз-ўзининг ташхис қилиш, мустақил таълим ва ўзини-ўзи тарбиялаш, эгаллаш: ижтимоий-педагогик вазифаларни ҳал этиш методикаси ва технологиясини, турли йўналишдаги ташкилотларда мутахассисларнинг ўзаро алоқалари методикасини, ўз ишини режалаштириш ижтимоий йўналган вазифаларни белгилаш малакасини, педагогик фаолият натижаларини таҳлил қилиш, фаолият тажрибасини эгаллаш: бошқа мутахассислар билан ҳамкорликдаги ижтимоий касбий вазифаларни ҳал этиш, педагогик фаолият турли методлари, методикалари ва усулларини ўрганиш. Бўлажак дефектологга ижтимоий-педагогик компетентликнинг касбий-фаолиятли компоненти турли қутилмаган вазиятларда хулқнинг мос усулларини топишига имкон беради.

Аналитик-рефлексив компонент. Ўз фаолияти натижаларини онгли назорат қилишда таълим жараёни барча субъектларининг ҳамкорлик ва биргаликдаги ижодга йўналганлиги, ўзини ўзи таҳлил қилишга мойиллик, касбий фаолият ва муносабатларни прогнозлаш.

Ижтимоий-педагогик компетентликни шакллантириш вазифалари: бўлажак логопедларда танланган касбига ижтимоий-қадриятли муносабатни ривожлантириш; бўлажак логопедларни саломатлигида имконияти чекланган шахслар билан ишлаш учун зарур бўлган ижтимоий-педагогик билимлар билан қурулантириш; бўлажак логопедларда болалар, ота-оналар ва педагог мутахассислар билан ўзаро алоқалар касбий кўникмаларини шакллантириш; талабаларнинг рефлексияга ва ўз касбий фаолиятини объектив баҳолашга ижтимоий шартли қобилиятини шакллантириш.

Бўлажак дефектолог (логопед) ижтимоий-педагогик компетентлигининг структураси 1-расмда ифодаланган.

Ижтимоий-педагогик компетентлик компонентларининг мажмуи бўлажак логопеднинг муваффақиятли касбий фаолияти ва шахсий ўзини ўзи амалга оширишига кўмаклашувчи даражасига эришиш имкониятини таъминлайди.



1-расм. Бўлажак дефектолог (логопед) ижтимоий-педагогик компетентлиги структураси

Диссертациянинг «**Бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлиги ривожланганлик хусусиятлари**» деб номланган иккинчи боби бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш модели ҳамда ривожлантириш технологиялари механизмини татбиқ этиш масалаларига бағишланган бўлиб, бўлажак дефектологларнинг ижтимоий-педагогик компетентликларини ривожлантириш жараёнини моделлаштиришда коррекцион-педагогик фаолиятнинг тузилиши инobatга олинган.

Бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш асосларини ишлаб чиқишда талабаларнинг илмий билими etакчи роль ўйнайди. Шунингдек, тадқиқотларда амалиёт кенг маънода инсоният жамияти бутун ҳаётининг билишга оид асоси сифатида хизмат қилади, илмий билиш манбаи, унинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Айнан амалиёт билиш жараёни учун зарур далилий материални беради. Билишнинг асосий мақсади ўз-ўзидан билимлар эмас, балки воқеликни амалий ўзгартириш ҳисобланади – назария ва амалиётнинг умумийлиги моҳияти шундан иборат.

Т.А.Крюкова, амалиётни тор маънода ўрганиб, амалиёт – муайян назарий асосга таянувчи, касбий фаолият қонуниятлари ва принциплари тўғрисидаги амалий маълумотларни таъминловчи ўқитиш шакли эканлигини кўрсатади. Мазкур ўқитиш шаклининг ўзига хослиги унда касбий фаолият билан идентификация амалга оширилади. Педагогик амалиёт мустақил педагогик фаолият шароитларига яқинлаштирилган шароитларда ўтказилади ва вазифалар ҳамда муносабатларнинг кўп қирралилиги билан тавсифланади.

Бўлажак дефектологнинг коррекцион-педагогик фаолиятнинг ижтимоий жихатини амалга оширишдаги аниқланган муаммоларни бартараф этиш

мақсадида, ижтимоий-педагогик компетентлиги структуравий компонентлари (ижтимоий-шахсий, когнитив, касбий-фаолиятли, таҳлилий-рефлексив)дан келиб чиқиб, педагогик амалиётнинг ижтимоий йўналганлигини объектив кучайтириш зарур.

Бўлажак нутқ бузилишларига эга болаларнинг муваффақиятли мослашувлари, интеграциялари ва ижобий ижтимоийлашувлари мақсадида таълим ташкилотида коррекцион-педагогик фаолият ижтимоий жиҳатини самарали амалга оширишга кўмаклашувчи логопедлар ижтимоий-педагогик компетентлигини педагогик амалиётни ўташ жараёнида самарали шакллантириш мумкинлигини тушуниш, ижтимоий-педагогик компетентликни шакллантириш моделини лойиҳалаш зарурати илгари сурилди.

Бўлажак дефектологларнинг педагогик билимлари: коррекцион педагогика назариясини билиш, коррекцион-педагогик фаолият хусусиятларини билиш, махсус (ижтимоий-педагогик) билимлар: педагогик фаолият назариясини билиш, коррекцион-таълимий жараён кечиши хусусиятларини билиш, методик билимлар: нутқ бузилишларига эга болалар билан коррекцион методик ишлашни билиш, нутқ бузилишларига эга болаларнинг ижтимоийлашувига йўналтирилган логопед коррекцион-тарбиявий иши методикаларини билиш.

Кузатишларнинг бу циклида, бўлажак дефектологнинг кўникмалари тадқиқ этилди: гностик, лойиҳалаш, ташкилий, коммуникатив.

Гностик кўникмалар: янги ижтимоий-педагогик билимларни эгаллаш, педагогик жараён кечиши давомида ижтимоий-педагогик вазифаларни ҳал этиш учун уларни мобил тайёрликка келтириш; педагогик муносабатлар тизимида ўз ижтимоий йўналган коррекцион-педагогик фаолиятини таҳлил қилиш; ўз фаолияти ва шахсининг афзаллик ва камчиликларини ўрганиш.

Лойиҳалаш кўникмалари: логопед ижтимоий-педагогик амалларининг батафсил истиқболли режасини тузиш.

Ташкилий кўникмалар: бўлажак дефектологнинг ижобий коррекцион-тарбиявий самарага эришиш мақсадида жамоада тарбияланувчилар билан ўзаро алоқаларини ташкил этиш; ижтимоий-педагогик вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини ташкил этиш; турли йўналишдаги коррекцион ташкилотларда мутахассисларнинг ўзаро алоқаларини ташкил қилиш.

Коррекцион-педагогик жараён барча иштирокчилари билан педагогик мақсадга мувофиқ ўзаро муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш коммуникатив кўникмалардир.

Кузатишларнинг иккинчи циклида талабалар педагогик фаолияти натижаларини функционал кўрсаткичлар бўйича аниқладик: талабаларда ижтимоий йўналтирилган коррекцион-педагогик фаолият соҳасидаги мустаҳкам ва чуқур билимларнинг мавжудлиги, диққат билан ишлаш кўникмаси: талабаларда ижтимоий-педагогик таъсир методларини ўрганишга барқарор қизиқишни шакллантириш, талабаларнинг касбий фаолиятни билиш жараёнига қизиқишлари, касбий фаолиятнинг ижтимоий-педагогик ташкил

этувчиси соҳасидаги мажбуриятларни мустақил бажариш; талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш.

Функционал кўрсаткичлар: талабалар олдида касбий фаолият ижтимоий-педагогик ташкил этувчисининг истиқболларини очиш, ўз коррекцион ва тарбиявий вазифаларини ифодалашда ёрдам кўрсатиш; талабаларни ўқув ва дарсдан ташқари фаолиятда ижтимоий-педагогик ва коммуникатив вазифаларни ҳал этиш методлари билан қуроллантириш; талабаларда ижтимоий йўналтирилган коррекцион-педагогик фаолиятга қизиқишни шакллантириш; педагогик фаолиятнинг назорати, ҳисобга олиш, баҳолаш, уларни ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи ташкил этишга ўргатиш.

Кузатишларнинг учинчи циклида қуйидаги кўрсаткичлар бўйича бўлажак дефектологларнинг шахс хусусиятлари ўрганилди: эмоционал-ахлоқий йўналганлик: адолатлилик, болаларга эътиборлилик, ҳурмат, меҳрибонлик, масъулиятлилик, мослашувчанлик; касбий йўналганлик: педагогик оптимистлик, коррекцион-тарбиявий фаолиятда ижод.

Мазкур тадқиқотда бўлажак дефектологларнинг ижтимоий-педагогик компетентликларини ривожлантириш жараёнини моделлаштиришда коррекцион-педагогик фаолиятнинг тузилишини инобатга олинди.


Моделга тадқиқотчилар маълум талабларни қўядилар. Жумладан, модель ҳақиқатга мос, мутахассиснинг касбий-назарий ва амалий фаолияти ўртасидаги максимал мувофиқликни таъминлаши керак. Динамик – даврий равишда қайтарилиши керак, бунга кўра, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларни узлуксиз акс эттиришга эришиш мумкин ва шу билан бирга, консерватив – мазкур касбий ҳамжамиятга эга бўлган анъанавий касбий билим, кўникмаларни тўплаш ва ўзлаштиришни таъминлаши керак. Бунда вақтда илгариларчи, мутахассисни тайёрлашда истиқболларни белгиловчи, яъни прогностик хусусиятга эга бўлиши керак, деб ҳисоблайдиган олимларнинг фикрларига таянилди.

Илмий-тадқиқот ишларининг таҳлиллари инобатга олиниб, талабалар бўлажак дефектологларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш моделини лойиҳалашни касбга замонавий талаблар асосида ташкил этилди. Бўлажак дефектолог ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш модели 2-расмда келтирилган.

Тадқиқот ишининг объекти мазмунида модель педагогик амалиёт жараёнида талаба бўлажак дефектологининг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг йўналишига мос бўлиши керак.


Моделнинг назарий-методологик элементи бошланғич тадқиқотчилик вазиятларини белгилаши керак ва уларга таянган ҳолда моделни лойиҳалашни амалга ошириш зарур. Бу ҳолатлар турли нуқтаи-назарлардан: шахсий йўналган, фаолиятли, тизимли ёндашувлар ва умумий ҳамда махсус таълимни инсонпарварлаштиришнинг назарий ғояларини инобатга олган ҳолда ёритилди.

Бўлажак дефектолог ижтимоий-педагогик компетентлигининг мезонлари ва кўрсаткичлари мазмуни асосида унинг шаклланганлиги даражаларини ажратиш мумкин.



2-расм. Бўлажак дефектолог ижтимоий-педагогик компетентлиги ривожланганлиги модели

Муаммонинг назарий таҳлили, шахсий касбий фаолият тажрибасини инобатга олган ҳолда, бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлиги ривожланганлигининг учта даражасини ажратиш мумкин: паст (репродуктив), ўрта (қисман изланишли), юқори (креатив). Бу схема кўринишида қуйидагича ифодаланади (3-расм).



3-расм. Бўлажак дефектологнинг ижтимоий-педагогик компетентлиги ривожланганлиги даражалари

Ижтимоий-педагогик компетентликнинг репродуктив даражаси – ижтимоий муаммони аввалги тажрибадагидек ечиш натижасида ҳаракатлар режаси юзага келиши, яъни вазиятни таниш содир бўлади. Мазкур ҳолатда муаммонинг мавжудлиги аён бўлади, уни ечиш усуллари ҳисобланади.

Қисман изланишли даража – муаммо мавжуд, аммо таклиф этилган уни ечиш усуллари қоникарли эмаслигидан янада самарали бўлганларини мустақил топиш керак.

Креатив даража – муаммо объектив мавжуд, уни излаш маълум амалий эҳтиёж билан эмас, балки бевосита педагогик жараённинг ривожланиши касбий фаоллиги ва имкониятлари даражаси билан белгиланади. Бу бўлажак логопедни уни ажратишга ва ечиш усуллари белгилашга ўргатади. Бу педагогик вазиятни истикболда кўриш даражаси бўлиб, унда педагогик фаолиятнинг прогностик функцияси намоён бўлади ва бакалавр-логопеднинг бўлажак касбий фаолиятининг ижодий хусусияти мазкур даража билан боғлиқ.

Моделдаги инобатга олинган ресурслар тўлақонли касбий фаолият учун зарурий билим, кўникма, малакалар ва амалий фаолият тажрибасига эга бўлган бакалавр-логопед шахсини яхлит шакллантиришни таъминлайди.

Диссертациянинг «**Бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш самарадорлиги**» деб номланган учинчи бобида таълимий педагогик амалиёт жараёнида бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини шакллантириш самарадорлигини ўрганиш натижаларининг комплекс таҳлили ва интерпретацияси ифодаланган. Тажриба-синовнинг назорат босқичида тадқиқот маълумотларини олиш ва қайта ишлаш прогностик, диагностик методлар ва математик-статистик методлари ёрдамида амалга оширилди. Тажриба-синов ишларининг назорат


босқичи тажриба-синовда иштирок этувчи талабалар ижтимоий-педагогик компетентлиги шаклланганлиги даражасини якуний аниқлашга имкон берган.

Тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба-синов фаолиятининг якуний натижалари ижтимоий-педагогик компетентлик ривожланишининг аввал ажратилган мезонли кўрсаткичлари билан аниқланган. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб, қўлланган методикалардан фойдаланиш кетма-кетлиги тавсифланган. Мезоннинг шаклланганлиги даражасини аниқлаштириш учун бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлиги ривожланганлигини учта даражаси аниқланган, булар: репродуктив, қисман-изланишли, креатив даражалар. Муаллиф фикрича, талабанинг репродуктив ва креатив даражалари ривожланиши унинг шахсини касбий ҳамда эмоционал-шахсий жиҳатдан ривожланишидаги ўсиши тўғрисида гувоҳлик беради. Мос равишда талабаларнинг у ёки бу даражадаги катта миқдори (фоизли нисбати) мазкур даражанинг ошиши динамикаси, аксинча кам миқдори эса, бирор-бир бошқа сабаб бўйича пасайиши ёки тўхтаб қолишини англатади. Мазкур фикрга асосланиб, маълумотларга статистик ишлов берилган ва олинган натижалар таҳлил қилинган. Мазкур методикалар талабалар шахсий, касбий ва ижтимоий-психологик йўналганликларини аниқлаш учун, шунингдек, талабанинг ўзини ўзи ривожлантиришга қобилиятларини аниқлаш учун қўлланган. Иккала методикалар тажриба-синовнинг таъкидловчи босқичида ва назорат босқичида тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларига таклиф этилган.

Респондентлар биринчи методикада кўрсатмага мувофиқ равишда 16 та фикрни баҳолаганлар, иккинчи методикада анкета саволларига жавоб берганлар. Сўнгра мазкур методикалар пакетиغا ишлов берилган. Тажрибалар мезоннинг ривожланишини тушуниш интерпретациясига мувофиқ ўтказилган ва натижалар олинган. Шакллантирувчи тажриба-синов давомида тажриба гуруҳида ижтимоий-педагогик компетентлик шаклланганлигининг паст даражасига эга бакалавр-логопедлар 1,7 баробарга қисқарган, ижтимоий-педагогик компетентлик шаклланганлигининг юқори даражасига эга бакалавр-логопедлар сони эса 1,3 баробарга ошган. Касбий-когнитив ва мотивацион-шахсий мезонларда ижобий ўзгаришлар кўпроқ содир бўлган. Аналитик-фаолиятли мезон бўйича кўрсаткичлар камроқ даражада яхшилангани кузатилган. Назорат гуруҳида ижтимоий-педагогик компетентлик шаклланганлиги даражаларида аҳамиятсиз ижобий ўзгаришлар содир бўлганлиги қайд этилган.

Олинган маълумотларни математик-статистик қайта ишлаш натижасида, тадқиқотда сурилган илмий фаразлар эса, ўз исботини тўлиқ топганлиги тасдиқланди (4-расмга қаранг):

Статистик таҳлил ва диаграмма кўринишлардан хулоса қилиш мумкинки, олиб борилган тажриба-синов ишларидаги тажриба гуруҳида ижтимоий-педагогик компетентлик шаклланганлик даражаси ўртача 14% га юқорилиги ва назорат гуруҳларида эса, бу кўрсаткич деярли сезилмаганлигидан далолат беради.



4-расм. Тажриба-синов ишларининг умумий натижалари

Шу тариқа, тажриба-синов натижалари бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини шакллантириш моделини жорий этишнинг юқори самарадорлигини кўрсатди.

ХУЛОСА

Қатор тадқиқотчилик вазифаларини ҳал этиш орқали қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тадқиқотда ОТМда бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини шакллантириш зарурати асосланган ва исботланган, бу меҳнат бозорининг ижтимоий буюртмаси ва янги авлод давлат таълим стандарти билан тасдиқланди.

2. Бўлажак дефектологнинг ижтимоий-педагогик компетентлиги нутқ бузилишларига эга болаларнинг психологик-физиологик ва шахсий ривожланишлари хусусиятларини инобатга олиш, логопат болалар ижтимоий муаммоларининг оптимал ечимларини топиш ва уларнинг таълим олишлари учун зарур бўлган махсус шароитларга риоя этишга имкон беради.

Бўлажак дефектологнинг ижтимоий-педагогик компетентлиги бу шахснинг нутқ бузилишларига эга болаларнинг индивидуал-шахсий ва ҳулқ хусусиятларини билиш, уларнинг ижтимоий аҳамиятли муаммолари ва ижтимоий алоқаларини таҳлил қилиш қобилиятини эгаллаш, болаларнинг ижобий ижтимоийлашувлари мақсадида уларни тарбиялаш, ўқитиш ва ижтимоий муҳофазалашда касбий фаолият тажрибасини шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий-педагогик функцияларни бажаришга тайёрлигини талаб этувчи шахснинг интегратив сифати. Бўлажак дефектолог ижтимоий-педагогик компетентлиги структурасига асосий мазмунли компонентлар киради: ижтимоий-шахсий (ўз ичига ижтимоий-педагогик компетентликни актуаллаштиришда мазмун, мотивлар, мақсадлар, эҳтиёж, қадриятли установакаларни олади), когнитив (саломатлигида имконияти

чекланган шахслар билан ишлаш учун зарур бўлган касбий-педагогик билимлар мажмуи), касбий-фаолиятли (бўлажак дефектолог ижтимоий йўналтирилган коррекцион-педагогик фаолиятини амалга оширишнинг касбий кўникма ва малакалари мажмуи), аналитик-рефлексив (бўлажак дефектологларнинг ўз касбий фаолияти рефлексиясига ва объектив ўз-ўзининг баҳосига ижтимоий алоқадор қобилиятларида ифодалангани).

Мазкур компонентларни талабаларнинг ўз бўлажак касбий фаолиятларининг ҳар томонлама англашларини акс эттирувчи ўзига хос модель сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

3. Тадқиқотда ОТМда бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини шакллантиришни таъминловчи самарали омили педагогик амалиётнинг барча турлари ҳисобланиши исботланган. Мақсадга мувофиқ ва босқичма-босқич ташкил этилган педагогик амалиёт қисқа муддатларда талабаларни ижтимоий йўналтирилган квазикасбий коррекцион-педагогик фаолиятга жалб этишга, ҳақиқий коррекцион-педагогик жараёнда ижтимоий-педагогик билимлар, кўникма ва малакаларни қўллашни рағбатлантиради, умумтаълим ва махсус таълим ташкилотларида педагогик фаолиятнинг ижтимоий жиҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган бўлажак дефектологларнинг шахс сифатларини фаол аниқлашга кўмаклашади. Педагогик амалиёт барча турларининг мазмунини ижтимоий йўналтирилган мақсадлар, вазифалар билан кучайтириш, принциплар, воситалар, технологиялар мажмуидан фойдаланиш, ўқитувчилар, педагогик амалиёт раҳбарлари, логопедларнинг ўзаро алоқалари стратегиясини танлаш бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини шакллантириш жараёнини оптималлаштиради ва бу билан уларни муваффақиятли касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини оширади.

4. Педагогик амалиёт жараёнида бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини шакллантириш модели ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор элементлардан ташкил топган структурани ифодалайди: дастурий-мақсадли, назарий-методологик, мазмунли-технологик, натижавий-баҳолаш, ташкилий-педагогик ва педагогик; ОТМ бакалаврларни тайёрлашда қўлланиладиган педагогик жараённинг ижтимоий йўналганлигига эътиборни кучайтириш ҳисобига, таълим жараёнини қуришнинг универсал варианты ҳисобланади.

5. Бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини шакллантирувчи моделни самарали амалга ошириш учун қуйидаги педагогик шароитлар зарур: талабаларда ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш жараёнида уларнинг шахсий ўсишлари мониторинги; амалиёт дастурларининг вариативлиги, динамиклиги; лойиҳавий, муаммоли ўқитиш технологияларининг устуворлиги; амалий фаолиятда муаммоли вазиятларни моделлаштириш технологияларини қўллаш; педагогик амалиётни ўташ жараёнида ижтимоий-педагогик компетентликни босқичма-босқич шакллантириш; талабаларнинг ижтимоий-педагогик компетентликни эгаллашларидаги мотивациялари ва фаолликлари; педагогик амалиёт жараёнида индивидуал ижтимоий-педагогик лойиҳаларни амалга ошириш; талабаларнинг мустақил таълим фаолиятлари. Ифодаланган педагогик

шароитлар бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини шакллантириш моделига киради ва унинг яхлитлигини белгилайди, моделни ОТМ таълим жараёнига жорий этишнинг изчиллигига олиб келади ва моделни амалга оширишнинг кутилган натижасига эришишни таъминлайди.

6. Тадқиқот давомида инструментарий ишлаб чиқилди ва педагогик амалиёт жараёнида баҳолаш имконини берувчи, бўлажак дефектолог (логопед)лар ижтимоий-педагогик компетентлиги шаклланганлигининг даражалари аниқланди. Баҳолаш мотивацион-шахсий, касбий-когнитив, аналитик-фаолиятли мезонлар асосида амалга оширилди, уларнинг ҳар бири учун мос кўрсаткичлар белгиланди. Бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлиги шаклланганлигининг репродуктив, қисман-изланишли, креатив даражалари ажратилган.

7. Тадқиқотда белгиланган педагогик амалиёт жараёнида бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини самарали шакллантиришга кўмаклашувчи педагогик шароитларни текшириш учун педагогик тажриба-синов ташкил этилди. Унинг натижалари тажриба гуруҳида бакалавр-логопедлар ижтимоий-педагогик компетентлиги ижтимоий-шахсий, когнитив, касбий-фаолиятли ва аналитик-рефлексив компонентидаги сифатли ўзгаришларни аниқлашга имкон берди, бу математик статистика методи билан тасдиқланди.

Тажриба-синовнинг олинган натижалари асосида махсус ташкил этилган педагогик шароитлар ва мақсадга мувофиқ ташкил этилган, бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини актуаллаштиришга йўналтирилган педагогик амалиёт касбий таълим ва бакалавр-логопедлар шахсий шаклланишлари вазифаларини янада самарали ҳал этишга кўмаклашишини таъкидлаш мумкин.

Тадқиқотда белгиланган мақсадга эришилди, илгари сурилган фараз тасдиқланди. Ўтказилган тадқиқот ўрганилаётган муаммонинг барча жиҳатларини тўлиқ қамраб олмайди. Тадқиқотнинг истиқболли йўналишлари бўлажак дефектологлар ижтимоий-педагогик компетентлигини шакллантиришни оптималлаштириш мақсадида ОТМ педагогик жараёни ташкил этишни янада такомиллаштириш, олий таълим тизимида бўлажак мутахассисларнинг ҳар бирининг ижтимоий-шахсий ривожланишлари технологиялари, воситалари ва методларини ишлаб чиқиш ва апробациядан ўтказиш ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01. 2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ХАЙИТОВ ЛАЗИЗБЕК РУСТАМЖОН УГЛИ

**РАЗВИТИЕ СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КОМПЕТЕНЦИЙ
БУДУЩИХ ДЕФЕКТОЛОГОВ**

13.00.03 – Специальная педагогика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.2.PhD/Ped1694.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.tdpu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNeb» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Хакимова Мухаббат Файзиевна
доктор педагогических наук, профессор

Акрамова Хафиза Самадовна
Доктор философии по педагогических наукам (PhD)

Ведущая организация: Чирчикский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «25» XII 2021 года в 16:00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском Государственном Педагогическом Университете (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.: (99871)276-79-11; факс: (99871)276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского Государственного Педагогического Университета (зарегистрирована за № 1695). Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.: (71) 246-90-38; (71) 246-90-39; Факс: (71) 246-90-37.

Автореферат диссертации разослан «13» XII 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 44 от 13.XII 2021 года).



Л.Р.Муминова
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

Р.Г.Исянов
Секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

З.Н.Мамаражабова
Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.п.н. профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В учебном процессе в учебных заведениях мира, применяются креативные технологии развития социально-педагогической компетентности будущих логопедов. Ведется систематическая работа по совершенствованию процесса подготовки логопедов в системе профессионального образования, квалифицированную поддержку по устранению нарушений речи у детей, оказанию социально-педагогической помощи и реформирование их социальной реабилитации в Конвенции ЮНЕСКО “О правах ребенка”, в Декларации “О правах инвалидов”.

В мировых образовательных и исследовательских учреждениях ведутся научные исследования по особенностям развития ребенка, оптимизацию нестандартных трудовых практик, психологической и педагогической помощи инвалидам и их семьям, гуманизацию социального отношения к детям и подросткам с отклонениями в развитии, работе с уязвимыми детьми и подростками, нуждающимися в педагогической и социальной защите, совершенствованию социально ориентированной коррекционно-педагогической деятельности. Вместе с тем, ведутся научные исследования по определению стратегии развития социально-педагогической компетентности будущих дефектолог (логопед)ов, использованию информационных технологий в профессиональной подготовке и совершенствовании логопедов, выявлению возможностей формирования социально-педагогической компетентности у будущих дефектолог (логопед)ов, совершенствованию моделей социально-педагогической компетентности.

В республике в последние годы создана нормативно-правовая база для успешной социализации людей с ограниченными возможностями, личностное развитие, по подготовку логопедов-бакалавров. Материально-техническая база высших учебных заведений развивалась. В Стратегии действий Президента Республики Узбекистан по дальнейшему развитию Республики Узбекистан особое внимание уделено на: «усиление социальной защиты уязвимых слоев населения и государственной поддержки пожилым людям и лицам с ограниченными возможностями»¹. В результате реализации данных реформ, усовершенствуется система социальной адаптации детей с отклонениями в развитии к полноценной жизни, оказания им медико-педагогической помощи.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 1 декабря 2017 года №УП-5270 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы государственной поддержки лиц с инвалидностью», от 9 января 2019 года №УП-5618 «О коренном совершенствовании системы повышения правосознания и правовой культуры в

¹ Указ Президента Республики Узбекистан, от 07.02.2017 г. № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

обществе», а также в других нормативно-правовых документах, касающиеся к данной деятельности.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. Вопросы устранения дефектов речи детей с дефектами речи, повышения активности речевой деятельности и словарного запаса изучено М.Ю.Аюповой, Л.Р.Муминовой, развития речи слабослышащих учеников, обучения умственно отсталых детей к родному языку, формирования словарного запаса, речевой подготовки к школе, обучения к профессии З.Н.Мамаражабовой, Н.Мусаевой, Д.А.Нуркелдиевой, Л.Ш.Нурмухамедовой, М.П.Хамидовой, М.Ҳакимовой. В национальной педагогике накоплен широкий опыт подготовки кадров-дефектологов, исследования проблем развития профессиональной компетентности учителей-сурдопедагогов, отражены в исследованиях, проведенных Н.Ш.Бекмурадовым, Х.М.Гайнутдиновым, Н.Х.Дадаходжаевой, Д.Б.Якубджановой.

Научные исследования ученых стран СНГ В.П.Горленко, О.С. Гребенюк, В.П.Гриханов, В.П.Симонов, И.Ф.Харламов, Е.А.Екжанова, О.И.Кукушкина, Н.М.Назарова, Т.С.Овчинникова, О.Г.Приходько, И.М.Яковлева, А.Г.Асмолов, Е.В.Бондаревская, И.А.Колесникова, А.К.Маркова, А.А.Орлов, И.С.Якиманская позволили проанализировать процесс формирования профессиональной компетентности будущих дефектологов (логопедов).

